

Абу Наср Форобий



18:00 / 30.01.2019 3740

(873-950)

Файласуфлар шайхи, ҳаким Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон ибн Авзалағ Туркий Форобий Мантиқий. Заковат соҳибларидан бири.

Машҳур асарлар муаллифи.

Абу Наср Ироқда араб тилини мукамал ўзлаштирганлар. Насронийлардан бўлган Матто ибн Юнус билан учрашиб, ундан мантиқ илмини ўрганганлар. Сўнгра Ҳарронга бориб, Юҳанно ибн Жайлон Насронийга шогирд тушганлар. Аввал Миср, кейин Дамашққа келиб истиқомат қилганлар.

Айтишларича, у киши подшоҳ Сайфуддавла ибн Ҳамдоннинг ҳузурларига кирганларида турк кийимида бўлганлар. Оталари турк амирларидан эдилар. Абу Наср етмишта тилни билганлар. Мажлиснинг тўрида ўтириб,

олимлар билан турли фанлардан мунозара қилганлар. Сўзлари устун келиб, қобилиятлари сезилгач, ҳамма у кишини тинглай бошлаган.

Қонунчиликка асос солган дастлабки арбоблардан.

У киши ёлғизликни хуш кўрардилар. Сўлим жойларда асар ёзар ва у ердан кам чиқардилар.

Файласуфлардек зоҳид бўлиб, оддий кийим кияр ва уйларини ортиқча безатмас эдилар. Ибн Ҳамдон у кишига ҳар куни тўрт дирҳам жўнатиб турганлар.

Абу Наср Форобийдан: «Сиз билимдонроқми ёки Арасту?» – деб сўрашганида, у киши: «Агар Арасту замонларида яшаганимда, у кишининг катта шогирдларидан бири бўлар эдим», – деб жавоб берган эканлар.

Форобийнинг ажойиб назмлари ҳамда ҳукамолар наздида чиройли саналадиган дуо ва зикрлари бўлган.

Абул Аббос ибн Абу Усайбиъанинг зикр қилишларича, Усомий деган олим Форобийнинг ёзган асарларини мундарижа қилиб чиққан эканлар. У хилма-хил мавзулардан иборат бўлиб, айримлари кимё фанининг исботи ҳақида, баъзиси математикага ва илоҳиётга доир асарлар бўлган.

У киши 950 йил ражаб ойида Дамашқда вафот этганлар. Қабрлари Боби Сағирда.

«Машҳур даҳолар сийрати» китобидан